



РАҚАМЛИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҶАСИДА МАСОФАВИЙ, ОНЛАЙН ВА ВИРТУАЛ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.

Насирова Наргиза Шарофдиновна

катта ўқитувчи.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети.

Рақамли Ўзбекистон -2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2020 йил 5 октябрь ПФ-6079-сон рақамли Ўзбекистон - 2030 стратегияси иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ахборот технологиялари соҳасида масофавий, онлайн ва виртуал ўқитиш технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, онлайн курслар учун платформалар ишлаб чиқиш бўйича бизнинг университет яъни Ахборот технологияларида 2022 -2023ўқув йилидан масофавий таълим шакли бўйича 60610500 компьютер инженеринги ва 60610600 дастурий инженеринг йўналишларида талабалар қабул қилиниб таҳсил олмоқдалар.Энг аввал масофавий таълимни бошқариш бўйича «Learning Management System» платформаси яратилди; ҳамма фанлардан контентлар яратилиб тизимга бириктирилди талабалар бу тизимда ҳоҳлаган пайт ва даврда кириб берилган вазифаларни бажариши мумкин .Бу талаба катта имконият яратилганидан далолат беради.Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик таълим ривожланишини белгилаб берадиган Болония жараёни доирасида компетенцияларга асосланган ёндашув алоҳида аҳамиятга эга.

Шу сабабли, ушбу ёндашув нуқтаи назаридан инновацион таълим учун компетентли педагог кадрларни тайёрлаш масаласи шу куннинг долзарб муаммолари бўлиб ҳисобланади.

Таълим жараёнида ўқув жараёни доимий назоратда бўлиб туради. Тизимдаги ҳавфсизлик чоралари мониторинг қилиб борилади. Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган иқтисодиёт ва эркин меҳнат бозори унинг барча талабларига жавоб берадиган, мукамал педагогик компетентликга эга рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда. Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш муаммосини ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, педагогик компетентликни муваффақиятли ривожлантириш жараёни боғлиқ бўлган масалаларни аниқлаш ва тизимлаштириш, бу муаммони умумий касбий компетентликни



ривожлантиришнинг долзарб масалалари устувор вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда ёшлар орасида чет тилларни ўрганишга бўлган иштиёқи жуда ҳам юқори. Ахир, рақамли технологиялари даврида замонавий мутахассис нафақат ўз соҳасини мукамал эгаллаган бўлиши, балки ўз касбининг фидойиси, мунтазам равишда ўз устида фаол ишлаши, амалиётда инновацион технологиялар ва илғор хорижий тажрибалардан унумли фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши ҳам лозим. Бундай юқори натижаларга эришиш учун эса хорижий тилларни пухта эгаллашни тақозо этади. Бизнинг давлатимизнинг таълим соҳасидаги сиёсатида оид долзарб вазифаларидан бири сифатида юқори малакага эга, рақобатдош мутахассисни тайёрлашдан иборат бўлади.

Давлат раҳбари илм-фанга бўлган юксак эътиборни янада оширмақда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ривожланишида илм-фаннинг ўсиш сурати жадаллашмоқда. Рақамли Ўзбекистон - 2030 стратегияси иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, илмий-инновацион тузилмалар, илмий марказлар, илмий-тадқиқот институтлари ва янги олий таълим муассасаларига қаратилган. Муаллимнинг профессионал жиҳатдан муҳим сифатларини, шунингдек педагогик йўналганлигини унинг чет тилини дарс бериш мотивациясидан ва маҳоратнинг шахсга оид ташкил этилгани дарс жараёнида яққол кўринади. Бу 2023 йилни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим" йили деб эълон қилинди. Шу муносабати билан ҳозирги кунда сифатли таълим замонавий ахборот воситаларининг кўпайиши ва янги кредит таълим тизимларига кириб бориши, улардан амалда фойдаланиш дарс самарадорлигини оширяпти. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ кредит ва масофавий таълим тизимида ишлаётган барча ўқитувчилар зиммасида катта маъсулият ётади, чунки педагог ўқитувчиларимизни бу кредит системада талабалар томонидан фан ва ўқитувчи танланади. Иш жараёнида катта конкуренция ўқитувчи талаба ёшларимиз билан ишлаётганида талабага ўқитувчининг методи ёки дарс жараёни маъқул келмаса талаба ўқитувчини танламайди. Ҳозирги даврда шу талабларга жавоб бериши учун ўқитувчилар ўз устида тинмай ишлаши талаб қилинмоқда. Хорижий тилларни ўрганишда ўқиш, ёзиш, гапириш, эшитиш каби кўникмалар ёзма таржима ва оғзаки таржима кўникмалари билан мантиқий тарзда тўлдирилиши мумкин ва бу ҳол илмий асосларга эга. Масалан, бизга жуда яхши маълум бўлган ўша тўртта кўникмадан иккитаси, яъни ёзиш ва гапириш продуктив, нутқни тушуниш билан қай даражада боғлиқ бўлса, оғзаки ёки ёзма таржима ҳам муайян нутқ ёки нутқ бирлигини тушунишни тақозо қилади. Сўнги йилларда замонавий ўқитиш усулларига анча янгиликлар киритилди. Маълумки, олий таълимни ислоҳ қилиш, янгилаш, такомиллаштиришда замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашнинг асосий йўллари билан бири компетентли ёндашув



ҳисобланади. Компетентли ёндашув қуйидаги вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- талабаларнинг мақсадлари билан педагогларга қўйилган таълим мақсадини мувофиқлаштириш;

- ўқишда талабаларнинг масъулиятлилиги ва мустақиллигини секин-аста ошириш ҳисобига ўқитувчининг меҳнатини енгиллаштириш талабалар ишини таълим мазмунини механик қисқартириш ҳисобига эмас, балки индивидуал мустақил таълим улушини ошириш ҳисобига енгиллатиш;

- ўқув ва тарбиявий жараёнлар бирлигини назарияда эмас, балки амалиётда таъминлаш; - талабаларни онгли ва масъулиятли таълимга тайёрлаш. Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик таълим ривожланишини белгилаб берадиган. Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган иқтисодиёт ва эркин меҳнат бозори унинг барча талабларига жавоб берадиган, мукамал педагогик компетентликга эга рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Баскаев Р. М, О состоянии и некоторых тенденциях современной подготовки педагогических кадров в России и за рубежом // Вестник Университета Российской Академии Образования. - 2007. - N 2. - С.. 81.

2. Турниёзов Н.. «Нутқ ва унинг эгоцентрик характери хусусида баъзи мулоҳазалар» Тил ва нутқ систем-сатҳ талқинида. Самарқанд ДҚТИ, 2005. - Б. 21-22.

3. Ёқубов Ж.А. «Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари». - Т.: Фан, 2005. -Б. 224

4. Якубов Ж.А. Модальность условных предложений и их синонимические

5. Xorijiy filologiya til-adabiyot-ta'lim//Ilmiy-uslubiy, adabiy-badiiy jurnal. Samarqand. 2007 4 (25)

6. Eshmuhammedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta'limda innovatsion .

7. Комарова З.И. Семантическая структура специального слова и ее лексикографическое описание. – Свердловск: Изд-во Урал. ун-та, 1991. – С. 40. *tehnologiyalar. Toshkent 2008.*